



160

O'zbekiston Respublikasi Samarqand viloyati Kattaqo'rg'on shahri

«3» август 2013 йил

№ 236-К

QAROR

*Каттақўрғон шаҳар А.Темур кўчаси
атрофида фитнес маркази қуриши учун
ер танлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги № 146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2011 йил 28 май № 121-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда ер участкалари бериш тартибини янада такомиллаштириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари химоя қилинишини таъминлаш, Республика аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилаш, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, ҳамда Каттақўрғон шаҳар А.Темур кўчаси 7 уй 32 хонадонда яшовчи фуқаро Тухтаев Жамшиднинг аризасини, шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия далолатномасини инobatга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 29 июлдаги 44-Ф сонли «Каттақўрғон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш тўғрисида»ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар А.Темур кўчаси 7 уй 32 хонадонда яшовчи фуқаро Тухтаев Жамшидга А.Темур кўчаси 7-сонли кўп қаватли атрофида буш турган 600,0 кв.метр ер майдонида бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган лойҳа асосида фитнес маркази қуриш ва атрофини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун танланди.
3. Каттақўрғон шаҳар А.Темур кўчаси 7 уй 32 хонадонда яшовчи фуқаро Тухтаев Жамшидга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида ер участкасини ажратиш бўйича ҳужжатларини расмийлаштириш юклатилади. Ушбу қарор мажмуани қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Рахмонов ва шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими:

С.З.Раззаков.